

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МОДЕРН ТАФАККУРИ

Джуманиёзов Даниёр Курбанбаевич,
*Нукус давлат педагогика институти Эллиққалъа
педагогика факультети*

***Аннотация:** Модерн ўзбек шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг метафорик намоён бўлиши, модерн тафаккур ва тасаввур тарзининг шоирларимиз Зебо Мирзо, Нодира Офоқ, Шодмонқул Салом ва Йўлдош Эшбек шеърларида тажассум топиши таҳлил қилинди.*

***Калит сўзлар:** мустақиллик даври ўзбек шеърияти, модерн, метафора, мажоз, бадиийлик сифати, истиора.*

Мустақилликдан кейин шеъриятга муносабат ўзгарди, бунинг иқтисодий, маънавий илдизлари ўша даврдаги халқнинг турмуш тарзи, ҳукмрон мафкураининг парчаланиши, янги технологияларнинг кириб келиши каби ўнлаб сабаблари бор. Шу даврда китобхонлардаги шеъриятга бўлган маънавий эҳтиёж бир қадар сўнгани ижодкорлар ўз нигоҳларини ташқи воқеликдан, инсон ботинига қаратдилар. Ўз-ўзини излаётган, сабаб-оқибатларни ўз “мен”идан излаётган лирик қаҳрамон шўро давридаги бағри бутун, таржимаи ҳоли топ-тоза, илоннинг оғзидан чиққан чиройли қаҳрамонлар бир-бирига ўхшамайди. Қувончи билан бирга қайғуси, бахти билан бирга ташвиши бўлмаган одам яратилмаган. Н.Афоқованинг лирик қаҳрамонлари ана шундай кишилар, уларда ўқувчи ўзига тегишли ҳисларни кўра олади, қалбига яқин ҳислари қайта жунбушга келади. Ўзини қийнаган, жавоб тополмаётган саволларга жавоб топа олади. Бу шеърларда кеча ва бугун, туғилиш ва ўлим, муҳаббат ва хиёнат, ҳалол ва ҳаром, имон ва имонсизлик, дўст ва душман турфа қиёфаларда кўринади. Ҳар бир китобхон ўзи танига, билган кишилари билан юзма-юз бўлади. Зеро, шеъриятнинг куч-қудрати ҳам ўзинингни ўзингга тик қарашга, қалбингда кечаётган ҳисларингни тафтини ҳис қилишга мажбур қила олишдир.

Шеърият ҳақидаги шу кунга қадар бўлган баҳс муносахзараларни умумлаштирган ҳолда, шеъриятда туйғу, идрок ва ифода сўз андозасига сиғмайди дея оламиз. Маъно қирраси тушунча ва ғояни бирлаштирадиган ришта, интегратив муносабат изчил семантик майдонни ҳосил қилади. Луғавий конструкция ташбеҳ ва образга тенглашуви тафаккур механизмини шакллантиради. Муқояса асосида сўз маъно кўчиш усули ва ёндош поетик тафаккур типи сифатида метафора бадиий нутққа мансуб ҳодиса ҳисобланади. Тўғрироғи, тушунча эстетик муддаога йўналтирилиши унинг маъно- моҳиятини белгилайди. Ифода малакаси шеър руҳиятида тасаввур миқёсларини кенгайтириш баробарида ривоя техникасини такомиллаштиради. Қайта кашф

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

қилинган имконият адабий талқин жозибасини таъминлайди. Тил материалидан эстетик баҳолаш мезонига кўчадиган истилоҳ инсон онгости қатламларини ҳаракатга келтиради.

Ваҳоланки, шоир сўз танлови ва маънони ғояда уюштириш даражаси ҳиссий идрокни шакллантиради. Мақсадга йўналтирилган жараёнда воқеликка муносабат ўзгаруви асносида тасаввур янгиланади. Поетик иллюзия аслида ифодани теранлаштиришга хизмат қилади. Унда нисбат ва муқобиллик жипслашади. Инглиз олими Кристофер Кодуелл назарий мушоҳадасида тасвир эмотсионал бўёқдорлиги ҳамда сўз эстетик қувват-ҳофизасига урғу берилса-да, образ таянч марказини белгилайдиган метафорани назарда тутди. Кенг маънода мажоз шакли нисбат ва муқояса ёрдамида ўқувчи дидини юксалтиради. Анланган ҳақиқатдан анланмаган моҳият сари бориш унинг табиатини белгилайди. Эътиборли жиҳати шунда, метафоризм умумназарий муаммо саналса-да, шеърда ижодкор фитратига мансуб шахсий характер касб этади. Айнан истиора бадий нутққа безак бериш баробарида муттасил равишда эстетик предмет йиғиқлигини ифода мустақиллиги қадар йўналтиради. Одатда, метафора тасаввурни моддийлаштиришни мақсад қилиб кўяди. Жорий тушунча муқояса, нисбат, муқобиллик ва аналогия мантиқий алоқадорлигига таянади. Мажозий тафаккур типи сўз, поетик ғоя ва ифода эстетик таъсир қувватини ошириш баробарида тасаввурни идрокка яхлит кўчиришга замин ҳозирлайди. Таъбир жоиз бўлса, шеър руҳиятини вужудга менгзайдиган бўлсак, ташбеҳ унинг томирларида оқаётган қонни ҳаракатга келтиради. Аслида бор нарсани боридай кўрсатиш, бор гапни айтиш санъат ҳисобланмайди. Чинакам ижодкор борлиқ манзараларида бетакрор мажозни кўра олади, қидиради ва топади. Санъаткор ўзини атроф-теваракдаги нарса-ҳодисаларда Сир кўриши, мажоз топиши, унга ишора қилиши, ўқирманларни эса ўша ишорани тушуниб, унинг замиридаги маънони илғаш сари йўллаши лозим. Мажоз тасаввурни аниқ ва лўнда, яхлит ва таъсирчан, теран ва қулай идроккакўчиришга хизмат қилади. Тўғрироғи, унда мантиқий силлогизм ҳолат ва ифода мунтазамлигини марказлаштиради. Ғоят ингичка, нафис ва ичкин туйғу рамзий ифодада маромига етади. Аслида шеър руҳияти сезимни ҳаракат ва ҳолат уйғунлигида тасвирлашни тақозолайди. Таърифга бўй бермайдиган сўз илоҳий моҳиятини очиб бериш интеллектуал тайёрлик даражасига боғлиқ. Сирли имо-ишора ва нозик қочирим ифода дахлсизлигини кафолатлайди. Ижодий мустақиллик асносида тушунча бадий маъно салмоғи ошади:

*Дилларга санчилса йиллар саволи,
Мозий китобидан топилгай даъво.*

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

*Уни варақлайди афгон шамоли,
Маюс боқиб турар Термизий бобо .¹*

Шодмонкул Саломнинг "Иймон дарвозаси" шеъри мантикқа йўғрилган мажозда битилган. Адабий тафаккурга чоғдош туйғу тилида "мозий – ўзга тилда битилган дoston", "Жайхун – Термизийлар мунаввар қалби", "асрлар сабри", "Иймон дарвозаси" ташбеҳлари қабариб кўринади. "Мозий китоби" – тарих ёш авлод учун ибрат мактаби, кўхна ва қадимий анъаналар соғлом эътиқодни қарор топтиришга йўғрилган. Мисраларга ёйилиб кетган метафорик маъно фалсафий умумлашма ҳосил қилади. Муаллиф наздида, мозий – энг катта мураббий! Ҳаётини зиддиятларга ечим тарихдан топилади.

Метафорик тасаввур бадиий нутқ доирасида маънони уюштирадиган таянч марказ вазифасини бажаради. Матн поетик структураси 5 банддан иборат, унда ташбеҳ-жонлантириш контраст усулни тавсифлайди. "Борми орангизда тил билган одам?" лирик субъект мурожаати қатимида рамзий ифода устуворлашади. Наҳот, "одамзод зулмат наҳрига, ёруғ юзи бўлмагай деб ғарк". Ижодкор одатий тилни санъат тилига ўтиради, эзгулик ва диёнатни тараннум қилишга жиддий бел боғлайди. Метафора инсон дунёқараши такомил билан боғлиқ тушунча, унинг асосидабилим ва малака яхлитлиги жилваланади. Муқояса ва нисбат тасвир предметини тўлақонли идроклашга замин ҳозирлайди. Ҳаётини эҳтиёж маҳсули сифатида мажоз оддийдан мураккаб қадар ҳаракатланадиган одамзод шуурини бошқаради. Аслида “шеър – туйғу суврати. Унда эмотсия, рамз, образ, бадиий санъат бўлиши керак; шеърда шоир субъекти, индивидуал услуби, «мен»и, ўз овози бўлиши лозим... инжа бир санъатнинг нафосатига, гўзаллигига, ҳикматига, адабий-эстетик қийматига диққат қаратилиши ишни нисбатан осонлаштиради”. Унда нозик қочирим, сўз ўйини ёхуд маъно юришини қўлланилган ташбеҳ яхлитлаштиради. Образга таянадиган ифода метафорада аниқлик ва лўндаликка эришади. Поетик мантик ва фалсафий мушоҳада мувозанати адабий талқин ўзига ҳослигини таъминлайди. Зеро, бадиийлик сифатини белгиладиган тушунча тасаввур стереотипидан ўсиб чиқади. Барқарор иллюзияни янгилаш фақат истеъдодга боғлиқ:

*Кўнглимда ёриди армоннинг кўзи,
йўлтўсар қароқчи ҳижрон дориди.
Ҳали ўтмай туриб баҳор, ёз, кузи,
сен кетдинг... бир кунда дунё қариди.*

Янги давр ўзбек лирикасида Насрулло услубий-шаклий изланишлари

¹ https://t.me/s/Shodmonqul_SALOM

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

салмоқли ўринтутади. Ўқувчиларга "Иккимиздан қолсин аланга" (2018) шеърий тўплами орқали таниш шоир туйғуни моддийликка менгзашда жиддий муваффақиятга эришади.

Ҳиссий идрокда мантиқан бир-бирига уланадиган тафсилотлар лирик қаҳрамон армонини тавсифлайди. Парда ортида намоён маъшуқа сийрати ушалмас орзунни тасдиқлайди. Фасллар нисбати (баҳор, ёз, куз) руҳий ҳолат ўзгарувларини жилолантиради. Таранг фалсафий мушоҳада тугённи кучайтиришга хизмат қилади. Жорий ҳолатда сўз манзара тасвири ва кечинма-кайфият-ҳолатни бир-бирига мувофиқлаштиради. Зебо Мирзонинг “Ортимда” шеърида келтирилга тасвирга эътибор берайлик:

*Зулм занжирлари санчилик бўлган,
Севги чечаклари янчилик бўлган.
Ҳақорат тўкилган
Ҳақ даргоҳида
Ҳақир жандалари титилик бўлган.
Бир исён қонларда етилик бўлган...²*

Инсон кайфияти ва табиат туйғулараро алоқа метафорик бирикув яхлитлигини таъминлайди. Умуман, азал-азалдан сўз эстетик қийматини баҳолаш пировард мақсадни белгилайди. Айниқса, ижод фалсафасида рамз ва мажоз воситасида бадиий нутққа безак бериш одат тусига айланган. Унда тасаввур ва маъно муносабатга киришади. Ифода тадрижини поетик гоё ҳамда адабий талқинга тенглаштирадиган тушунча – метафора бир пайтнинг ўзида ҳам эстетик идрок шакли, ҳам тасвир воситаси вазифасини ўтайди. Аслида "сўзнинг кўчма маънони, ундаги бадиийт жараёнини юзага келтирувчи мажоз ҳамда унинг ранг-баранг турлари: метафора, метонимия, ташбеҳ, рамз, киноя, муболаға, ташхис ва ҳоказолардан иборат поетик санъатлар жозибасини, бу унсурларнинг асардаги ўрни ва роли, бошқа поетик воситалар билан алоқадорлиги, асарнинг бадиий-гоёвий моҳиятини очишдаги хусусиятларини ўрганиш моҳият эътибори билан шоир маҳоратидаги энг нозик қирралар ва нуқталарни аниқлаш, ўзига хос мураккаб боғланишдаги бадиийт комплексини илмий таҳлил ва тадқиқ этиш муайян назарий эҳтиёж ҳосил қилади. Шоир қўллаган ҳар бир оригинал ташбеҳ поетик тафаккурни янгилайди. Мушоҳадани бадиий теранликка йўналтириш айнан мажоз зиммасига тушади. Метафорада тасвир йиғиқлиги ҳамда ифода ёйиқлиги омухталашади. Шу маънода, тил, нутқ ва тафаккур сатҳларини бирлаштирадиган тушунча туйғу ҳамда мушоҳадааро фалсафий ассосиатсияни шакллантиради. Унда сабаб ва оқибат ўртасидаги

² Zebo Mirzo. Ishq. Akadernashr. Toshkent, 2011

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

ришта бадий микёсда ўзгачаланади. Шаклий лаконизмдан поетик мантикқа, поетик мантикдан маъно силжишига ўтиб турадиган атамада муқояса негизида воқелик эстетик идрок этилади.

ОЙ

синиқлиги учун ҳам ёруғдир.

Ёинки:

УМР

фурсат

фурсат эса занимат

намоз вақти ўтадигандек...³

Ёки “Сунбула” номли шеърида йил фасллари ичида навбати келган сунбула оийи ҳақида гапирар экан табиатнинг қанчалар саховатлилиги, инсонлар жамиятига нисбатан адолат қонуниятининг бардавомлиги, кўнгилга эрк туйғуларини уйғотиши ҳақида тамомила янги руҳ ва янгича поетик услубда сўз юритади:

СУНБУЛА

сувга чайилгандек кўк тиниқ

сувлар одатдагидек синиқ

оҳиста

ўтади соҳилни силаб

тўлқинлар ойни отиб юбормас қирғоққа...⁴

Й.Эшбек шеърларида эса “синиқ” деган ташбеҳ кўп келади. Бу шоирнинг аждодлар ахлоқи, шахсиятидаги камтарликка ишора. Шоир инсондаги бундай сифатни жуда улуғлайди. Худди “ой синиқлиги учун ёруғдир” деган бадий-медитатив концепцияси каби бу ерда сувнинг синиқлигига урғу беради. Сув айнан ўзининг синиқлиги сабаб нурафшон ойга ҳасад қилмайди. Уни ўзидан узоклаштириш, қирғоққа улоқтириб юборишни касб этмаган. У шундай солим табиати билан инсонга сабоқ беради. Тиғиз шаҳарларда, чанг кишлоқларда яшаётган, тинимсиз бир-бирини таъқиб этиб, ҳасад, ғайбат ва зулмга кўмилиб бораётган инсонга ибрат кўрсатади. Ўзидан ёрқинроқ бўлган ойга зуғум қилмайди. Шеърнинг давомида бевосита лирик “мен” тилидан айтилган: “беихтиёр аҳд этиб юборар одам, бирор ёмонлик қилмайман деб” тарзидаги лирик иқроп ўқувчини одам ва табиат ўртасида муқояса кетаётганига ишонтиради.

³ Эшбек Й. Йиғлаётган қиз. – Т.: Янги аср авлоди, 2019.

⁴ Шу манба. – Б. 173.

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Инсонлар жамиятидан бешиш, табиат томон интилиш, техник тараққиёт ва глобаллашув сабабидан қалбини бой бераётган инсон фожиаси ҳақида мушоҳада қилиш Й.Эшбек шеърлятида етакчи тамойил бўлиб келадик, буларнинг ҳаммаси соф ўзбекона медитатив лириканинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлади. Й.Эшбек лирик қаҳрамони худбин эмас. У тарих, шахс, инсон кўнгли, табиат ҳодисалари, жамият муаммолари, ўлим ва ҳаёт борингки, нима ҳақида сўз юритмасин ўзининг индивидуал “мен”и қобиғида қолиб кетмайди. Унинг лирик “мен”и шеър контекстида миллий, ижтимоий, ҳатто умумбашарий “мен”га айланади. Хусусийликдан ўсиб бориб, умумийликка кўшилиб кетади.

Хулоса қилиб, ўзбек модерн шеърляти ўз-ўзини англашнинг ўзига хос янги бадий тафаккур босқичига чиқди дея оламиз. Бу шеърлятда ташқи ҳодисаларга нисбатан инсон ички оламини тафтиш этиш, ботинда кечаётган зиддиятлар, тушунарсиз курашларни янги шаклда лирик тасвир этиш, ички “мен”нинг кенг имкониятларини шеърда акслантириш нисбатан янги кўринишларини намоён қилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Афоқова Н. Сўз айвони. – Тошкент: Фан, 2006.
2. Мирзо З. Нур куқунлари. – Тошкент: Янги аср авлоди.
3. Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поетикаси: Филол. фан. б-ча фалс. д. дис. автореф.
4. Норматов У., Болтабоев Ҳ., Янги назарий тамойиллар // “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил 3-сон.
5. Мелиев С. Лирик фожиавийлик // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1991 йил 3-сон.
6. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.